



Р.Матбабаев

### Техник хужжатлар

- 2.2. “Етказиб берувчи” аванс маблағлари Етказиб берувчининг тегишли ҳисобварағига келиб тушган вактдан бошлаб 3 календар куни ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.
- 2.3. “Етказиб берувчи” амалдаги ГОСТ га мувофиқ товарни етказиб бериши шарт.
- 2.4. “Буюртмачи” товарларни қабул қилишда “Етказиб берувчи” иштирокида олинаётган товарларнинг тўлиқлигини ва сифатини текшириши шарт.
- 2.5. Агар мазкур контракт билан бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар Етказиб берувчи ҳисобидан амалга оширилади.
- 2.6. Буюртмачининг розилигига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.
- 2.7. Етказиб берилган товар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган товарларнинг миқдори, унинг сифати кўрсатилади.
- 2.8. Мазкур ишда кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур контрактга мувофиқ амалга оширилади.

### 2.9. Буюртмачининг хукуқлари:

Етказиб берувчидан бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошқа меъёрий хужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Буюртмачи ҳисобидан товарлар ташиб келтирилганда, Етказиб берувчидан транспорт харажатларини қоплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур контрактнинг шартларида бошқа ҳоллар белгиланмаган бўлса;

Етказиб берувчидан мазкур ишга мувофиқ, тегишли сифат, ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб қилиш;

Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра қуйидагилардан бирини талаб қилиш:

- тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш;- камчиликларни бегараз бартарф этиш;- Етказиб берувчидан мазкур шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш.

### 3.0. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- мазкур ишга мувофиқ етказиб берилган товарларни қабул қилиш;
- товарларнинг қийматини мазкур контрактда белгиланган нархда ва муддатда тўлаш.

### 3.1. Етказиб берувчи қуйидаги хукуқларга эга:

- “Буюртмачидан” олдиндан тўлов ва етказиб берилган товарлар учун якуний ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўзда тутилган тартибда ва ҳажмларда амалга оширишни талаб қилиш;

- Буюртмачидан етказиб берилган товарларни асоссиз равища қабул қиласлик натижасида етказилган заарларни коплаб беришни талаб қилиш.

### 3.2. Етказиб берувчининг мажбуриятлари:

- Буюртмачига товарларни мазкур контрактга мувофиқ белгиланган муддатда, миқдорда ва сифатда етказиб бериш;

- агар товарларни етказиб бериш жараёнида Етказиб берувчи контракт шартлари ва меъёрлардан ва/ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидан четга чиқишга йўқ қўйган ҳолларда Буюртмачининг талаби бўйича 3- кун муддат ичидаги барча аниқланган камчиликларни бегараз бартараф этиш.

3.3. Мазкур контракт белгиланган тартибда мазкур контракт шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.4. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда контракт бажарилган ҳисобланади.

3.5- тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилиги ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги;

- етказиб берувчи билан контракт тузишни рад этиш муддатига риоя этилиши (ажратилган бюджет маблағлари камайиши ҳолатлари бундан мустасно);

- томонлар ўргасидаги контракт мажбуриятларини бажариш тугаллангандан кейин беш йил мобайнида техник ҳужжатларнинг асл нусхалари сакланиши учун жавоб беради.

3.6. Товарларни танлаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврда) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равища рад этганлик учун сотиб оловчи етказиб берувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг келишилган фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳаклидир.

3.7. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равища бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳакини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топширикномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун буюртмачи маҳсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг келишилган фоизи миқдорида жарима тўлайди.

### 3.8. Етказиб берувчи:

- тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилиги;

- миқдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек таклиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича етказиб берувчи буюртмачининг назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;

- контракт шартларнинг бошқа бузилишлари;

- тузилган контракт шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

3.9. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортименти ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб оловчи (буюртмачи) товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг

ҳақини тұлашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бұлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳәкі түлаб құйилған бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда кайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.0. Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ӯралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ӯралмаган товарларни етказиб берганлик учун етказиб берувчи сотиб оловчига (буюртмачига) бундай товарлар қийматининг келишилган фоизи миқдорида жарима тўлади. Товарлар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сақланиши керак бўлган ҳолларда сотиб оловчига (буюртмачи) жарима ундиришдан ташқари, ўз кучи билан, лекин етказиб берувчи ҳисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шаҳардаги етказиб берувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

4.2. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиқкан тақдирда, томонлар, қоидага қўра, мустакил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

4.3. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

4.4. Томонлар хўжалик судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги хўжалик судида кўриб чиқилади.

4.5. Ушбу шартномага асосан мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар натижасида вужудга қелганда томонлар ўз мажбуриятларини бажармасликдан кисман ёки тўлиқ озод бўладилар.

4.6 Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларига томонларнинг иродаси ва фаолиятига bogliq бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иктисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатлар киради.

4.7 Шартнома томонларидан қайси бири учун мажбуриятларни енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари сабабли бажармаслик маълум бўлса, дарҳол иккинчи томонга бу хақда 10 кун ичida ушбу ҳолатлар ҳаракати сабабини далиллар билан тақдим этиши лозим.

4.8. Шартномага асосан мажбуриятларни ижро қилиш муддати ушбу енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар давом этиш муддатига қадар узайтирилади. Агар енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) таъсири 60 кундан ортиқроқ давом қиласа, томонлар ташаббусига биноан шартнома бекор қилиниши мумкин.

4.9. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

5.0. Мазкур контракт ғазначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 й. “31” декабригача амал қиласи.

Масъул шахс:

М.Тешаев

Техник топширик

№	Асосий маълумотлар	Иштироқчизар учун маълумотлар
1	Буюртмачи	Шахрихон туман 15- Максус мактаб интернати
2	Танлов мазмуни ёки номи	Юмшок жихозлари
3	Танлов эълон килинадиган жой	Шахрихон туман
4	Алока учун шахс	Тешаев Машалбек
5	Танлов эълон килинадиган жой	Узбекистон Республикаси Товар хом ашё биржаси <a href="https://etender.uzex.uz">https://etender.uzex.uz</a>
6	Тижорий таклифи тақдим этиш шартлари	Танлов иштироқчилари шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги; шартнома тузиш учун конуний ҳукукка эгалик соликлар ва бошқа мажбурий туловларни тулаш буйича карздорликнинг мавжуд эмаслиги. Инсоғисиз ижро чиларнинг ягона реестририда кайд этилмаганлиги хакидаги маълумотни тақдим этилиши таълаб этилади.
7	Етказиб бериладигон махсулотлар	Етказиб бериладигон махсулотлар элонга берилаетган товар брендига 1га 1мос тушиши шарт
8	Етказиб бериладигон махсулот таснифи	<ol style="list-style-type: none"> <li>Этот текстиль не предназначен для всеобщего показа, хотя часто используется исключительным дизайном. Им можно любоваться в компании только с самым любимым человеком. От состава его ткани зависят качество сна, а от цвета и изысканности рисунка – сладкие сновидения. Простыня 200Х240 см, Пододеяльник 200Х220 см, наволочка 70Х70 см Цвет: белые маленькими цветками .Гарантийный срок не менее 12 месяцев</li> <li>Размеры одеяла: 180x220 Рекомендуется обратить внимание при выборе чехла на плотность ткани и ее состав; желательно, чтобы он был из натуральных волокон. Запах. Безопасное для здоровья синтетическое изделие не должно иметь никаких запахов. Гарантийный срок не менее 12 месяцев</li> </ol>
8	Танловга таклифлар бериладиган тил	Узбек,рус
9	Молиялаштириш манбаси	Бюджети маблаглари хисобидан

Масъул шахс :

M.Tешаев